



## ҲИНД ФАЛСАФАСИДАГИ ИНСОН МАСАЛАСИННИГ МАҲАТМА ГАНДИ ҚАРАШЛАРИГА ТАСИРИ

ПЎЛАТОВ Шердор Нематжонович

Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси в.б. доценти

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори PhD.

Тошкент давлат шарқшунослик университети



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-3-96-103>

### АННОТАЦИЯ

Маҳатма Ганди дунёқараши ва фалсафий гояларида инсон масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. Чунки, унинг гоявий негизи инсон муҳим омил сифатида кўрилади. Унинг таълимотида гуманизм гояларининг шаклланиши ўз ўзидан бўлмади. У ўзидан аввалги диний таълимот, гоявий назарияларга, файласуф, мутафаккирлар қараашларига таянди. Инсонпарварлик шаклланиши узоқ ўтмишидан давом этиб келаётган таълимот бўлиб, бугунги кунда бу соҳани ўрганиши янада муҳим бўлиб бормоқда. Гуманизм сўзига бир қанча таърифлар берилган. Фалсафа қомусий лугатида шундай дейилади: “Гуманизм (лат. *humanus* – инсонийлик, инсонпарварлик) – шахс сифатида инсон қадриятини, унинг эркин камол топиши ва ўз қобилиятини намоён қилиши ҳуқуқларини эътироф этиши, ижтимоий муносабатларни баҳо мезони сифатида киши баҳт-саодатини қарор топтириши. “Гуманизм” тушунчаси Шарқ мутафаккирлари ижодида ўз аксини топган ва уларнинг асарларидаги гоялар Европа мутафаккирлари ижодига таъсир кўрсатган”. Шундан келиб чиққан ҳолда, барча учун энг қизиқарли ва фойдали натижса берадиган тадқиқотлар инсонни тадқиқ этишидир.

**Калит сўзлар:** Ҳиндистон, Маҳатма Ганди, инсон, инсонпарварлик, гуманизм, жон, руҳ, карма, мокша, аҳимса, куч ишлатмаслик.

### ABSTRACT

*Mahatma Gandhi's worldview and philosophical ideas are focused on the problem of man. Because its ideological basis is that man is seen as an important factor. The formation of the ideas of humanism in his teaching did not happen by itself. He relied on religious teachings, ideological theories, and the views of philosophers and thinkers before him. Humanistic education is a long-standing discipline, and the study of this field is becoming increasingly important today. The word humanism has had several definitions. The encyclopedic dictionary of philosophy says: “Humanism (Latin *humanus* - humanity, humanism) is recognition of the value of a person as an individual, his right to free development*

*and manifestation of his abilities, the definition of human happiness as a criterion for assessing social relations. The concept of "humanism" was reflected in the work of Eastern thinkers, and the ideas of their works influenced the work of European thinkers. Therefore, the most interesting and useful research for everyone is the study of man.*

**Key words:** India, Mahatma Gandhi, man, humanism, soul, karma, moksha, ahimsa, non-violence.

## КИРИШ

Ҳаётининг дастлабки босқичида одам ўзини шахс сифатида билмаган. У табиатнинг бир қисми сифатида у билан бирликда яшаган. Шунингдек, инсоният тарихи инсоннинг ўзини-ўзи англашидан бошланади. Миллатнинг ижтимоий, ахлоқий, маданий ва диний ғоялари, урф-одат, анъана ва қадриятларининг моҳиятини англаш шу миллат вакили бўлган инсонни англашдан келиб чиқади. Уйғониш давридан буён бизнинг табиатни англаш ва инсонни тушунишда энг катта тараққиёт гуманизмнинг тўла қонли шаклланишидир<sup>1</sup>. Ҳинд мутафаккири Тагор шундай деб таъкидлайди: “Инсониятнинг асл моҳияти ҳақидаги савонни муҳокама қилиш учун инсонга асрлар керак бўлган, у ҳали ҳам аниқ хulosага келмаган”<sup>2</sup>.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳиндистоннинг қадимги фалсафий анъаналари инсоннинг маънавий табиатига ишонган. Инсон табиатини англаш Худо одамда борлигига ва инсон билан Худо ўртасида бирлик мавжудлигига ишониш натижаси эди. Шунингдек, инсон ҳаётнинг пировард мақсадини карма (ଫ୍ର୍ମ୍ଭୀ) ва кишанлардан халос бўлиш, шахс ва жамиятнинг ахлоқий ривожланиши ҳамда инсониятнинг асосий бирлигини англаш, деб тушунтирилган.

Ведаларга қўра, бутун дунё ижодий кучнинг илоҳий намоён бўлишидир. Мавжуд бўлган ижодий космик мавжудликнинг тўлиқ сурати Ригведанинг Ведик мадхиясида тўртта каста билан ифодаланади, жумладан: Адвавита таълимоти инсон қалби ва Браҳманни бир хил деб ҳисоблайди. Унинг сўзларига қўра, худди шу илоҳий рух ҳар бир инсонда мавжуд.

Инсон вазифасини бажариш ва илоҳий режалаштирувчининг хоҳишини бажариш учун туғилади. Ўзганинг бурчи бузилиши дунёдаги муқаддас тартиб бузилишига олиб келади. Упанишадлар инсонни тана, онг ва ўзлик

<sup>1</sup> Bhattacharyya N. Gandhi's Concept of Individual and Society. Diss. ...PhD. Philosophy science. Assam, 2006. – P. 103.

<sup>2</sup> Bhattacharyya N. Gandhi's Concept of Individual and Society. Diss. ...PhD. Philosophy science. Assam, 2006. – P. 105.

комбинацияси сифатида кўрадилар. Рух ёки шахснинг ўзлиги инсоннинг асл моҳиятини акс эттиради. Шахсий жоҳиллик билан боғлиқ бўлган юқори мен ёки Браҳман, жива ёки индивидуал ўзлик деб аталади. Чандогя Упанишад инсоннинг ўзига, инсон табиатига яхши таъриф беради: “Ёмонликдан, қариликдан, ўлимдан, қайғудан, очлик ва ташниликдан холи ҳамда изланиши керак бўлган ва тушунишга тайёр бўлган Рух (Атман, Аатмн)дир”<sup>3</sup>.

Гитада инсон психологиясини учта гуна (Гуण-усул)га эга, деб ҳисоблайди, улар - саттва (яхшилик), ражалар (ҳис-туйгулар), тамалар (зулмат, жоҳиллик ёки иллюзия). Инсон табиати битта гунанинг устунлиги билан белгиланади. Амалда, бу гуналар бир-бирига боғлиқ. Тамалар ва ражалар ҳукмрон бўлган шахслар, ўз навбатида, анимистик ва худбин ҳаёт кечираётган бўлсалар, саттва ҳукмрон бўлган инсонлар ҳақиқат ва эзгулик йўлидан борадилар.

Маҳобҳаратада ер юзида инсондан юқори мавжудот йўқлиги айтилади. Христианлик бизга инсон – дунё яратилишининг сўнгги кунида яратилганлигини айтади. Худди шу тарзда, яҳудий динида одамнинг Худо билан муносабати кўплаб оятларда келтирилган. Исломда инсон кучининг буюклигига ишонади, инсон ўзида тафаккур ва ҳиссиётни бирлаштирган, деб ҳисоблайди. Ганди инсон ҳақида қарашлари шаклланишида шундай диний қарашлар таъсирини англайди. Инсон ҳам, ҳайвонлар ҳам руҳий кучлар аралашмасидир, шунинг учун унда ҳайвонот хусусиятларининг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. У шундай деди: “Бизнинг ҳар биримиз яхшилик ва ёмонлик аралашмасимиз”<sup>4</sup>.

Жайнизм ҳам, буддизм ҳам Ведалар ҳукмронлиги таъсирида вужудга келган. Иккиси ҳам қуллик ва азоб-уқубатлардан халос бўлиш ғоясини илгари сурган. Жайнизмга кўра, руҳда мавжуд бўлган ғазаб, мағрурлик, ошиқлик ва очкўзлик каби эҳтирослар қарамликка сабаб бўлади. Яна инсон қалби чексизлик ёки илоҳийликка эришиш имкониятларини ўз ичига олади. Ушбу туйгулар жоҳиллигимиздан келиб чиқади. Ҳақиқат тўғрисидаги тўғри билим озодликка олиб келади. Буддизмга кўра, инсон жоҳиллик ва карма маҳсулидир. Жайнизм сингари буддизм ҳам азоб-уқубатлар сабабини жоҳиллик, деб ҳисоблайди. Шунинг учун инсон нирванага, яъни азоб чекмайдиган ҳолатга эришиш учун тинимсиз ишлаши керак. Инсонпарварлик Будда ва Маҳатма Ганди қарашларида катта аҳамият касб этади. Будда ва Маҳатма Ганди бошқа даврларда яшаган бўлсаларда, Аҳимса ёки зўравонлик қилмасликни, тинчлик ва

<sup>3</sup> Devi K.D. Gandhi's Understanding of Human Nature and Its Influence on his Philosophy. Diss. ...PhD. Philosophy science. Manipur, 2009. – P. 12.

<sup>4</sup> Bhattacharyya N. Gandhi's Concept of Individual and Society. Diss. ...PhD. Philosophy science. Assam, 2006. – P. 108.

рахмдилликни тарғиб қилғанлар, шунингдек, одамлар рухиятини озод қилишга интилган, уларни яхшироқ ва янги ҳаётта нисбатан илҳомлантирган эди.

Будда ва Ганди даврида жамият ахволи даҳшатли ва ачинарли эди. Будда даврида браҳманлар ва кастачилик тизими бўлса, Ганди даврида инглизлар хукмронлиги эди. Будда ва Ганди соҳта ишларни тугатиш учун даволовчи воситани чин дилдан излай бошлади, буни бири каста тизимидан, бири инглиз бўйинтуруғидан мустақилликка эришиш учун қилган ҳаракатларида топди. Иккаласи ҳам фаровонлик ва дабдабалардан воз кечиб, ибодат ва мулоҳаза билан яшашни бошлади. Шунингдек, издошларига ўзларини, шу тариқа жамиятни ислоҳ қилиш, инсонларо дўстлик ва биродарлик туйғусини ривожлантириш ва зўравонлик қилмаслик, нафратни муҳаббат билан алмаштиришга ўргатдилар. “Будда ва Ганди ҳам қадимги ҳинд маданияти, ўзларидан аввалги авлиё ва мутафаккирлар таъсирига тушган бўлсаларда, янги хусусиятлари, янги маънавиятларини акс эттирганлар. Эҳтимол, улар нафақат ҳинд маданияти рухи ва унинг қадриятларини акс эттирган, балки уларни ўз даврининг эҳтиёжларига мувофиқ қайта кўриб чиқкан, деб айтиш тўғри бўлади”<sup>5</sup>. Будда ва Гандининг инсон масаласига ёндашуви жуда яқин бўлганини англашимиз мумкин. Гандининг ижтимоий-сиёсий фаолиятида, ҳатто, кийинишида ҳам Будда таъсирига гувоҳ бўламиз.

Доктор Радҳакришнаннинг сўзларига кўра, “Инсон мутлақо алоҳида ва маҳсус мавжудот эмас. У вужудида, мўрт танасида, чекланган ҳаёти ва чекланган онгиди келиб чиқиш изларини қолдиради. У табиатнинг бир қисми, шу билан бирга, табиат билан бир бутундир.”<sup>6</sup> П.И. Ражу “Мутафаккирларнинг доимий диққат-эътиборида “Инсон маҳлуқотларнинг энг чиройлиси”дир, деган фикрни таъкидлайди. Чунки, Инсон материя, ҳаёт, ақл, онг ва руҳнинг ажralmas бирлигидир”<sup>7</sup>. Шри Ауробиндонинг сўзларига кўра, инсон доимий равишда “Худо, нур, эркинлик ва ўлмасликни” излайди”<sup>8</sup>.

Упанишадларда айтиладики: “Фақат чексизда баҳт бор, охирда баҳт бўлмайди”. Ж.Муирҳад “Ҳинд фалсафаси инсон табиати, унинг келиб чиқиши ва тақдирини ўрганиш сифатида талқин этилади”<sup>9</sup>, деб таъкидлади.

<sup>5</sup> Usha Mehta. Mahatama Gandhi and Humanism. – Mumbai.: Roopak Printers, 2000. – PP. 1-2.

<sup>6</sup> Radhakrishnan, S, An Idealist View o f Life. – London.: Franklin Classics, 2018. – 26.

<sup>7</sup>Raju P. T. & S. Radhakrishnan. The Concept of Man: A Study in Comparative Philosophy. – New Delhi. Harper Collins Publishers India ltd, 1995. – P. 26.

<sup>8</sup> Bhattacharyya N. Gandhi’s Concept of Individual and Society. Diss. ...PhD. Philosophy science. Assam, 2006. – P. 103.

<sup>9</sup> Bhattacharyya N. Gandhi’s Concept of Individual and Society. Diss. ...PhD. Philosophy science. Assam, 2006. – P. 103.

Умуман олганда, қадимги ҳинд ва замонавий мутафаккирлари инсоннинг маънавий табиатига, инсониятнинг бирдамлиги ва бирлигига ишонганлар. Улар учун ҳаётдан асосий мақсад карма ва азоб кишанидан халос бўлиш, бошқаларга фидоийлик билан хизмат қилиш орқали ўзлигини намоён этишdir.

Махатма Ганди мумтоз ҳинд тизимининг асоси бўлган, инсонни бутун борлиқ, деб билган. У инсон фақат биологик мавжудот ёки шунчаки физик-кимёвий бирикма эканлигига ишонмаган. Унинг учун инсон маънавий моҳиятга эга. Ганди учун “мавжуд бўлиш” эмас, балки келиб чиқиши (етишиб чиқиши) муҳимроқ. Бунга гандишунос Рагҳаван Иер қуидагича изоҳ берди: “У инсон ўзининг моҳиятида қандай эканлиги ва ўзи ҳақидаги ёлғон ғоя туфайли ким бўлиб этишиши, у ким бўлиши кераклиги ва унинг қонунлар билан бошқарилган коинотдаги ўрни туфайли ким бўлиб этишиб чиқишига аниқ ишонч билан бошлади”<sup>10</sup>. Шунингдек, Ганди инсонда Худонинг мавжудлигига ҳам ишонган. Шундай қилиб, инсон табиатан илоҳийдир. Бу инсонни руҳий мавжудотга айлантиради. Гандининг фикрига кўра, илоҳиётнинг мавжудлиги турли одамларда фарқланади. Шу сабабли, у бирон-бир киши ёки нарсага сифинишдан бош тортади. У ягона Худо ҳақида фикр юритади. У шундай деган: “Худо нафақат бутун коинот, балки жонзотларга ҳам хос бўлганлиги сабабли бирон-бир одам ёки обьектни илоҳийлаштириш масаласи туғилмайди. Ҳар бир инсонда илоҳий нарса бор”<sup>11</sup>. Ягона нарса шундаки, баъзиларида илоҳийлик кўпроқ, бошқаларда эса камроқ.

Гандига кўра, инсон табиати энг муҳим хусусияти бўлган илоҳий табиатни англайди. У ҳар бир инсонда мавжуд бўлган илоҳий унсурлардан тўғри фойдаланилса, инсоният самодаги жаннатни ерга тушура олади<sup>12</sup>. Инсон ҳайвон сифатида шафқатсиз, аммо руҳий шахс сифатида у зўравон эмас. Айнан ўз илоҳий моҳиятини англаши, уни барча тирик жонзотларга раҳм-шафқат қилишга, фикрда, сўз ва ишда зўравонлик ишлатмасликка ундейди. Ганди маънавий кучга эга бўлиш учун жисмоний қучни ўзига бўйсундиришни таклиф қилди. У: “Танангизни забт этганингиз сари руҳингизнинг кучи ортади”<sup>13</sup>, деди. Маълум босқичдан сўнг тана руҳнинг ўсишига мутаносиб равишда камаяди.

Гандининг сўзларига кўра, инсон тана, ақл ва руҳнинг комбинациясидир. У руҳни жуфт бўлмаган, абадий, ҳамма нарсани билувчи, ҳамма жойда мавжуд, ҳамма нарсага қодир, деб билади. Одам онгли равишда илоҳий бўлса-да,

<sup>10</sup>Raghavan I. Gandhi's view of Human Nature. in *Gandhi Marg* Journal of the Gandhi Peace Foundation, New Delhi: Gandhi Peace Foundation, Vol. 6, No. 2, April 1962, p. 134.

<sup>11</sup>Mahadev D. *The Diary of Mahadev Desai. – Ahmedabad: Navajivan Publishing House, 1953. – P. 35.*

<sup>12</sup>Lala Gopal Prasad. Religion, morality and politics according to Mahatma Gandhi. – New Delhi.: Classical Publishing Company, 1991. – P. 3.

<sup>13</sup>*Young India*, 4.8.1927, p. 107



ўзининг кундалик ҳаётида эзгуликдан кўра кўпроқ бошқа фазилатларни ўзига сингдириади. Инсон кўпинча худбин, ишончсиз, ўзини алдашга қодир, лоқайд, шаҳватпараст ва кучга чанқоқ. Ганди инсон табиатининг етарли даражада қоронғи томонини кўрган<sup>14</sup>. Шу муносабат билан у шундай фикр билдириди: “Мен аччик тажрибаларни бошдан кечирдим, баъзида бармоқларимни қаттиқ күйдирдим. Мен мутлақо айбиз деб ўйлаган одамлар бузук бўлиб чиқди. Ёмонликнинг илдизи бизнинг табиатимизда чуқур ётганини пайқадим”<sup>15</sup>. Ушбу аччик тажриба уни инсон номукаммал эканлигини, хатога йўл қўйишилигини айтишга мажбур қилди. У бутунлай яхши ёки ёмон бўлган инсон йўқлигига ишонган. Одамлар орасидаги фарқ турида эмас, фақатгина даражада: “Бизнинг ҳар биримиз яхшилик ва ёмонликнинг аралашмасидирмиз. Инсонлар орасидаги фарқ даражадаги фарқдир”<sup>16</sup>. Ганди, шунингдек, Худо ва инсоннинг ажralmas бирлигига ишонган. У қуйидагича таъкидлаган: “Мен адвайта (अद्वैतः “бирлик”)га ишонаман, мен Худо ва инсоннинг мухим бирлигига, шу муносабат билан барча тирик мавжудотларга ишонаман”<sup>17</sup>. У Худо ва одамлар ўртасидаги метафизик бирликка ишонганлиги сабабли инсон ва инсон ўртасидаги муносабатларни илоҳий, деб таърифлаган. У Худонинг биродарлигини тан олиб: “Бутун ҳаёт аслида бирдир”<sup>18</sup>. У сўзларини давом эттириб деди: “Биз ҳаммамиз битта Худонинг фарзандларимиз, шунинг учун инсон табиати ҳамма жойда бир хил”<sup>19</sup>. Одамларнинг илоҳий тенглигини тавсифлаш учун дарахт метафорасидан фойдаланиб, шундай деди: “Биз ҳаммамиз танасини ернинг тубида жойлашган илдизидан юлиб олиб бўлмайдиган улуғвор дарахтнинг баргларимиз. Энг кучли шамол ҳам уни ҳаракатга келтира олмайди”<sup>20</sup>. Сўнгра, уммон метафорасидан фойдаланиб: “Биз бу чексиз раҳм-шафқат уммонидаги томчилармиз” деди. Ҳақиқатни ижтимоий ҳодиса деб эълон қилишга ёрдам берган нарса бу инсоннинг илоҳий тенглигига бўлган ишонч эди, у шундай деди: “Одамларнинг овози – Худонинг овози”<sup>21</sup>.

<sup>14</sup>Ram Rattan. Gandhi's Concept of Human Nature. in Verinder Grover (ed), M.K.Gandhi, New Delhi: Deep&Deep publications, 1996. – P. 206.

<sup>15</sup>Gandhi M.K. *Satyagraha in South Africa*. – Ahmedabad. Navajivan Publishing House, Trans, by V.G. Desai, 1968. – P. 371.

<sup>16</sup>Harijan, 10.6.1937,pp. 158-159.

<sup>17</sup>Raghavan N. Iyer. Gandhi's view of Human Nature. in Verinder Grover (ed), M.K.Gandhi, New Delhi: Deep&Deep Publications, 1996. – P. 212.

<sup>18</sup>Pyarelal. Gandhiji's Correspondance with the Government. 1942-1944, Ahmedabad: Navajivan Publishing House, 1945. – P. 88.

<sup>19</sup>Harijan, 13.4.1940,p.92.

<sup>20</sup>Harijan, 28.7.1946,p.236.

<sup>21</sup>Harijan, 17.5.1942,p.156.

## REFERENCES

1. Bhattacharyya N. Gandhi's Concept of Individual and Society. Diss. ...PhD. Philosophy science. Assam, 2006. – P. 103.
2. Devi K.D. Gandhi's Understanding of Human Nature and Its Influence on his Philosophy.Diss. ...PhD. Philosophy science. Manipur, 2009. – P. 12.
3. Usha Mehta. Mahatama Gandhi and Humanism. – Mumbai.: Roopak Printers, 2000. – PP. 1-2.
4. Radhakrishnan, S, An Idealist View o f Life. – Londan.: Franklin Classics, 2018. – 26.
5. Raju P. T. & S. Radhakrishnan. The Concept of Man: A Study in Comparative Philosophy. – New Delhi. Harper Collins Publishers India ltd, 1995. – P. 26.
6. Raghavan I. Gandhi's view of Human Nature. in *Gandhi Marg* Journal of the Gandhi Peace Foundation, New Delhi: Gandhi Peace Foundarion, Vol. 6, No. 2, April 1962, p. 134.
7. Mahadev D. *The Diary of Mahadev Desai*. – Ahmedabad: Navajivan Publishing House, 1953. – P. 35.
8. Lala Gopal Prasad. Religion, morality and politics according to Mahatma Gandhi. – New Delhi.: Classical Publishing Company, 1991. – P. 3.
9. *Young India*,4.8.1927, p. 107
10. Ram Rattan. Gandhi's Concept of Human Nature. in Verinder Grover (ed), M.K.Gandhi, New Delhi: Deep&Deep publications, 1996. – P. 206.
11. Gandhi M.K. *Satyagraha in South Africa*. – Ahmedabad. Navajivan Publishing House, Trans, by V.G. Desai, 1968. – P. 371.
12. Raghavan N. Iyer. Gandhi's view of Human Nature. in Verinder Grover (ed), M.K.Gandhi, New Delhi: Deep&Deep Publications,1996. – P. 212.
13. Pyarelal. Gandhiji's Correspondance with the Covermment. 1942-1944, Ahmedabad: Navajivan Publishing House, 1945. – P. 88
14. Po'Latov, S. N. M. (2020). Hindistonda pedagogic ta'limining rivojlanish bosqichlari. Scienceand Education, 1(Special Issue 1), 21-26.
15. Polatov, S. N. (2020). XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARIDA HINDISTONDAGI IJTIMOIY-SIYOSIY VAZIYAT. Academic Research In Educational Sciences, (4), 468-474.
16. Po'Latov, S. N. M. (2021). MAHATMA GANDI FALSAFIY QARASHLARIDA "MUTLOQ G 'OYA" TUSHUNCHASI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1134-1143.
17. Po'Latov, S. N. M. (2020). Rabindranat tagorning Hindiston ilm-ma'rifatga qo'shgan hissasi. Scienceand Education, 1(Special Issue 1), 136-143.

18. Пулатов, Ш. Н. (2022). МАҲАТМА ГАНДИ ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯСИДА “САТЯГРАХА” ТУШУНЧАСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 890-896.
19. Pulatov, S. N. M. (2022). AHIMSA TUSHUNCHASINING FALSAFIY MOHIYATI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 1), 162-166.
20. Po'Latov, S. N. M. (2022). MAHATMA GANDINING INSON TABIATI HAQIDAGI QARASHLARI. Academic research in educational sciences, 3(3), 10-19.
21. Pulatov Sh.N. The Concept of “Truth” in the Philosophical Views of Mahatma Gandhi// Akshara Multidisciplinary Research Journal Peer-Reviewed & Refereed International Research Journal, India // E-ISSN: 2582-5429 Vol.02 Issue V, 2021. –P. 12-18.
22. Пулатов, Ш. (2019). Философская концепция Махатмы Ганди. Востоковедения, 3(3), 214–224. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15683>
23. Po'latovSh.N. Jaynizm diniy-falsafiy ta'liloti. 16-sont Sharqshunsolar anjumani. Toshkent davlat sharqshunsolik universiteti, 2020 307-312.
24. Po'latovSh.N. Mahatma Gandhi diniy qarashlarining tahlili. НамДУ илмий ахборотномаси. 2021 у. 8-sont. 205-212 b.